

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Хатирчи туман ХТБ мудири
О.Бабақулов
"BS" 2022 йил



Бажарувчи ташкилотни танлаб олишучун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Хатирчи -2022

Танлов хужжатларининг мазмунни

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**
- II. Техник қисм**
- III. Нархлар қисми**

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМОНА

**Хатирчи туман ХТБга қарашли 10-сонли мактаб биноси таъмирлаш учун
бажариладиган барча объектларида маҳсус машина ва механизмлар хизмати.**

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

№	Асосий маълумотлар	Бажарувчи
1	Объект номи	Хатирчи туман ХТБга қарашли 10-сонли мактаб биносини таъмирлаш учун бажариладиган барча объектларида маҳсус машина ва механизмлар хизмати.
2	Буюртмачи	Хатирчи туман Халқ таълими бўлими
3	Объектнинг жойлашган манзили	Навоий вилояти Хатирчи тумани Дехконобод МФЙ
4	Қатнашувчилар учун талаблар	<p>Белгиланган маҳсус техника ёки транспорт воситасининг ишлаб чиқарилган йили 2010-йилдан кам бўлмалиги керак. Навоий вилоятида оғир табиий шароитда (ёмғир, қор, туман, ва х.к) узлуксиз ишлашга таёр бўлиши керак. Корхона маҳсус техника ёки транспорт воситаси доимий иш билан таъминлашни кафолатини олмайди. Ишлаб чиқариш зарурти туфайли корхона балансида техникалар етишмай қолганда холларда 1 сутка олдин огохлантирилган холда иш билан таъминланади. Маҳсус техника ёки транспорт воситасининг объектларга келиб кетиши харажатлари маҳсус техника ёки транспорт воситаси эгасининг хисобидан қопланади. Маҳсус техника ёки транспорт воситаси қатнашувчининг балансида бўлиши ва барча техник хужжатлари қонуний бўлиши керак.</p> <p>Маҳсус техника ёки транспорт воситасининг экспертиза хулосаси бўлиши шарт. Бошқа талаблар шартнома шартларида кўрсатилади. Маҳсус техника ёки транспорт воситалари руйхати, (Самосваллар 20-30 тн), (Трайлер 10-50 тн), (Каток 8-13 тн), (Экскватор ковуш хажми 0.65 М3), (Асфальто укладчик 1.5-6.5 метр гача), (Автогрейдер) (Водовоз) (Бетумовоз) билан буюртмага асосан ўз вақтида ва сифатли хизмат кўрсатиш.</p>
5	Механизмининг техник қарови	Маҳсус техника ёки транспорт воситаси доимий техник қаров ишлари, капитал таъмирлаш эгаси томонидан бажарилади, техник соз холатда ишга жалб қилинади.
6	Ёқилғи маҳсулотлари билан таъминлаш	Ёқилғи маҳсулотлари корхона томонидан амалга оширилган тақдирда бажарилган иш суммасидан қайтариб қолинади. Агар ёқилғи маҳсулотлари етарли бўлмаган тақдирда Маҳсус техника ёки транспорт воситаси эгасининг ўзида бўлиши керак.
7	Тижорат таклифларини тақдим этиш шартлари	Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома, транспорт воситасининг техник паспорти.
8	Бажарилган ишлар хисоб-китоби	Техника хизмати ишлаган вақтига караб илова қилинган экспертиза хулосасида кўрсатилган сумма бўйича тўлаб берилади.
9	Иш тури	Буюртма асосида корхона томонидан белгиланган вазифаларни бажариш.
10	Ишни бажариш муддати	2022 йил январдан 2022 йил 31 декабргача.
11	Техника хавфсизлиги бўйича талаблар	Иш бажариш жараёнда техника хавфсизлик қоидаларига тула риоя килиши шарт.

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

Танлов предмети: **Хатирчи туман Халқ таълими бўлимига қарашли 10-сонли мактаб биносини таъмирлаш учун бажариладиган барча обьектларида маҳсус машина ва механизмлар хизмати.**

- 1.1. Танлов охирги киймати **(665 670 716) сум**. Ушбу кийматдан ортиқ қиймат қабул қилинмайди ва куриб чиқилмайди.
- 1.2. Маҳсулот буйича Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова килинган. **Ушбу танлов якунлари буйича голиб чиккан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.**
- 1.3. Ишларни бажариш муддати шартнома имзолантан кундан бошлаб 330 календар кун.
- 1.4 Ишларни бошлаш муддати- аванс маблати утказилган кундан бошлаб хисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

- 2.1. **“Хатирчи туман халқ таълими бўлимига қарашли 10-сонли мактаб”** (бундан кейин- “Буюртмачн” деб аталади) -танлав ташкилотчиси хисобланади.
“Буюртмачи” манзили: Навоий вилояти Хатирчи тумани Параҳун МФЙ
- 2.3. Танлов “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда утказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

- 3.1. Танловда мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар курсатишга ихтисослашган, камида 5 йил тажрибага эга булган барча юридик макомга эга булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
- 3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар куйилади:
тандов предмета кийматининг камида 20 фоизи микдоридаги айланма маблагларнинг ёки курсатиб утилган маблагларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур булган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги; шартномалар тузиш юзасидан фукаролик-муомала хукукний лаёкат ва ваколатлар, тандов обьектига ухшаш обьектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлигидан кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тугрисидаги маълумотлар; тандов обьектида уз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мулжалланайтган хажми (50 фоиздан кам булмаган холда); Низом маблаги микдори.
- 3.3. Агар тандов предмети булган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур булса, тандовда иштирок этиши учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга булган талабгорларга рухсат этилади.
- 3.4. Куйидаги талабгорларга тандов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: кайта ташкил этилиш (ажратилиши, кушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара килинганлар, хамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий карамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ

- 4.1. Иштирокчилар уз таклифларини электрон куринишда (etender.uzex.uz) порталаiga электрон тандовлар утказиш учун жойлаштириши лозим.
- 4.2. Тандов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кура узбек ёки рус тилида такдим этилиши мумкин.
- 4.3. тандов хужжатларида куйдагилар такдим этилиши лозим: • Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан куйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар курсатилиши керак; • Нархлар қисми, Тандов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, туловлар тартиби ва якуний туловлар ва бошка боғлик курсаткичлар курсатилган булиши керак. Тандов иштирокчилари хар бир таклифларни яхлит холда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдикланган холда ёки хар бир варагини муҳрлаб тасдикланган холда такдим этишлари лозим.
- 4.4. Куйидаги хужжатлар тулик булиши талаб этилади: Техник ва нархлар буйича куйидаги таклифлар: • Техник таклиф. Фирменний бланкада имзоланган, номерланган ва муҳрланган холда; •

Техник хужжатлар руйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ухшаш хужжатлар руйхати илова килинади);

Нархлар таклифи ва нархлар буйича жадвал тулдирилиши ва илова килиниши лозим.

4.5. Танлов иштирокчиси: -факат битта таклиф бериши мумкин; - тақдим этилаётган хужжатларнинг хакикийлиги ва маълумотларнинг хакконийлигига тулик жавобгар булади; - таклифлар бериш муддати тугагунга кадар уз таклифларини кайтариб олиш. еки узгартириш киритиш хукукига эга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Таклифлар муддатини узайтирилиши факат харид комиссияси йигилиши карори асосида амалга оширилади.

5.2. Танлов муддатини узайтириш тугрисидаги карор маҳсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИИГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тугрисидаги Конун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар буладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари буйича конунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниглаш ва асосланган карор кабул килиш буйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хакикийлиги ва тугрилига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сунг конунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан урнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига узгартишлар киритиш тугрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин карор кабул килишга хакли. Товарни (ишни, хизматни) узгартиришга йул куйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига узгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ун кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда курсатилган ахборот узгартирилган булса, танлов утказиш тугрисидаги эълонга узгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларини танлов утказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунириш талаби билан давлат буюртмачисига сурор юборишга хакли. Сурор келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сурор давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган булса, ушбу сурорга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг коидаларига дойр тушуниришлар уларнинг мазмун-моҳиятини узгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни куриб чикиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади хамда ундан олинган кучирма у имзолангандан кундан эътиборан уч иш куни ичида маҳсус ахборот порталида эълон килинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни куриб чикиш ва баҳолаш баённомаси эълон кийлинганидан сунг давлат буюртмачисига танлов натижаларига дойр тушуниришларни тақдим этиш тугрисида сурор юборишга хакли. Давлат буюртмачиси бундай сурор келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушуниришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари буйича шартнома танлов хужжатларида ва узи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда курсатилган шартлар асосида тузилади